



2017 йил 25 октябрь

№ 1052-й

**Манзилли дастур асосида қурилиш
режалаштирилган савдо ва манжий
хизмат кўрсатиш биносини қуриш
учун ер майдони танлаб ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 20-моддаси, "Ер кодекси"нинг 6,26-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 31 июлдаги "Қишлоққурилишлойиҳа" МЧЖ билан келишилган №965/07-сонли келишув хатини, Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2017 йил 18 сентябрдаги №1674-сонли давлат экологик экспертизаси ҳулосасини, Нурутубод тумани Улус маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Шерқулов Фаррух томонидан Нурутубод тумани Улус маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.04 гектар ер майдонига савдо ва манжий хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраб ёзган аризаси ҳамда туман ҳокимининг 2011 йил 18 августдаги №81-Ф сонли фармойишига асосан қурилган ер участкасини танлаш бўйича ишчи комиссиясининг 2017 йил 11 октябрдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нурутубод тумани Улус маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Шерқулов Фаррухга Нурутубод тумани Улус маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги захирасида бўлган қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.04 гектар ер майдонига савдо ва манжий хизмат кўрсатиш биносини қуриш учун ер майдонини танлаш ва ажратиш тўғрисидаги ишчи комиссиясининг 2017 йил 11 октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Шеркулов Фаррухга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

-Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги №54-сонли қарориди кўрсатилган муддат ва талаби асосида АРТ (архитектура режалаштириш топшириғи) ҳамда лойиҳа хужжатларини тайёрлаш.

-вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорат инспекциясидан қурилишни амалга оширишга рухсат олиб, қурилиш ишларини уч йил муддат ичида тугатиш:

-қурилган бино атрофида экологик ҳолатни сақлаш ҳамда ободончилик ишларини олиб бориш:

-тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилишни амалга ошириш:

-қурилиш ишлари тугаши билан бинони фойдаланишга рухсат бериш учун туман ҳокимлигига мурожаат қилиш:

3. Туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев)га фуқаро Шеркулов Фаррух томонидан тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

4. Ер участкасини натурга кўчириш ишларини "Ўз ГАШКЛИТИГ" ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош архитектору (Ж.Абдуллаев) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

5. Туман "Ермулккадастр" давлат корхонаси (Ж.Джиянов)га фуқаро Шеркулов Фаррухга ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда икки кун муддатда давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Шеркулов Фаррух томонидан уч йил муддат ичида тасдиқланган қурилиш лойиҳаси асосида қурилиш ишлари амалга оширилмаса, ушбу қарор ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Туман ҳокими



Ф.Заиров